



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 20 февраль, № 36 (8931)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЗИЁРАТЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШДА САУДИЯ АРАБИСТОНИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 февраль куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳаж ва умра ишлари вазири Тавфиқ бин Фавзон ар-Раба бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон Ол Сауд ва Валиаҳд, мамлакат Бош вазири Мухаммад Ол Сауднинг салом ва самимий тилақларини етказди. Вазир, шунингдек, Подшоҳнинг кўп миллатли Ўзбекистон халқига ҳадяси — муқаддас Каъба ёпинчиги кивсаннинг бир парчасини топширди.

Ўзбекистон етакчиси, ўз навбатида, Саудия Арабистони раҳбариятига бебаҳо тухфа ҳамда зиёратчиларимизнинг мусулмон дунёси марказлари — Макка ва Мадинада бўлиши учун яратилган имкониятлар ва қулай шароитлар учун чуқур миннатдорлик билдирди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 800 мингдан зиёд фуқароларимиз Умра зиёратини, 15 минг нафари Ҳаж ибодатини адо этди.

Суҳбат чоғида ўзбекистонлик зиёратчиларга шарт-шароитлар ва кўрсатилётган хизматлар сифатини янада яхшилаш, уларнинг Саудия Арабистонига ташрифи хавфсиз ва қулай бўлишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСТУВОР Йўналишлари БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев
19 февраль куни энергия
самарадорлигини ошириш бўйича
таклифлар тақдироти билан танишди.

Бу ҳақда 28 январда электр энергетикасини ривожлантириш бўйича ўтган йилги ишлар ҳисоботида таъкид қилинган эди.

Мамлакатимизда энергия қувватлари аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг ўсувчан талабига мос равишда ошириб берилаётган. Хусусан, ўтган йили 50 миллиард кубометр табиий газ, 81 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқарилди.

2025 йилга бориб электр истеъмоли ҳозиргидан 1,7 баробар ошиши ҳисоб-китоб қилинган. Бу талабни тўлиқ қондириш учун фақат ишлаб чиқариш эмас, тежамкорлик ҳам зарур.

Таҳлилларга кўра Ўзбекистонда 1 долларлик ялпи ички маҳсулот яратиш учун дунёдаги ўртача кўрсаткичдан 2,5 баробар кўп энергия сарфланапти. Электр тармоқларидаги йўқотишлар 14 фоиз, табиий газда эса 7 фоиздан юқори.

Шу боис олимлар жалб қилиниб, жойларда энергияни тежаш имкониятлари илмий асосда ўрганилмоқда. Ҳозиргача 7 та вилоятда 4,6 миллиард киловатт-соат электр ва 1 миллиард кубометр газни иқтисод қилиш имкониятлари аниқланган.

Тақдиротида шу каби ўрганишлар асосида ишлаб чиқилган таклифлар муҳокама қилинди.

Мисол учун, сув ҳўжалигидаги эски насосларни замонавийсига алмаштириб, йилга 1 миллиард киловатт-соат электр тежаш мумкин.

Ижтимоий муассасаларда қозонхоналарни янгилаш, «яшил» энергиядан фойдаланиш орқали бу йил 5 миллион кубометр газ, 15 миллион киловатт-соат электр иқтисод қилса бўлади.

Умуман, бу йил 1,6 миллиард кубометр газ ва 3,5 миллиард киловатт-соат электрнинг тежаш мўлжалланган. Бунинг учун ҳар бир қорхона ва ташкилотга илмий асосланган чора-тадбирлар етказилади.

Жумладан, йирик саноат қорхоналарида бир маҳсулот биллиги ишлаб чиқаришга кетадиган энергия меъёри белгиланади. Шунинг ўзидан энергия сарфи 5 — 10 фоизга қисқаради. Ижтимоий объектларда энергия тежамкор ускуналарни ўрнатиш бўйича манзилли дастур тасдиқланади.

Кўп қаватли уйларда иссиқликни яхши сақлаш учун уларни изоляциялаш кенгайтирилади. Хонадонларда гелиоколлектор ва кўёш панелни ўрнатишга арзон кредитлар берилди. Истеъмолчилар Япония тажрибаси асосида энергия тежаш саводхонлиги бўйича ўқитилади.

Давлатимиз раҳбари иқтисодиётнинг барча тармоқлари, ижтимоий соҳа ва уй-жойларда тежамкорлик муҳимлигини таъкидлади. Худуд ва тармоқлар кесимида энергия исрофини камайтириш, талон-торожликларнинг олдини олиш бўйича қатъий қўрсатмалар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ Тўғрисида

Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафимизда туриб Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини, уларга тенглаштирилган шахсларни ҳамда 1941 — 1945 йиллардаги уруш давридаги меҳнат фронти қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Бир марталик пул мукофоти белгилансин:

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг ҳар бирига 10 000 (ун минг) АҚШ доллари миқдориди;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларнинг ҳар бирига 25 000 000 (йигирма беш миллион) сўм миқдориди;

1941 — 1945 йиллардаги уруш давридаги меҳнат фронти қатнашчиларининг

ҳар бирига 3 000 000 (уч миллион) сўм миқдориди.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофоти тантанали ҳамда байрамона вазиётда топширилишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 19 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК Кўриш ва МУНОСИБ НИШОНЛАШ Тўғрисида

Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага ҳисса қўшган уруш ва меҳнат фахрийларига ҳамда Ватан равнақи, тараққиёти ва унинг ҳимояси учун курашган буюк аждодларимизга алоҳида эътибор ва чуқур эҳтиром кўрсатиш, шунингдек, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари хотирасини улуғлаш юртимизда олийжаноб қадриятга айланган.

Халқимизнинг Ватан ҳимояси йўлидаги юксак мардлик ва қаҳрамонликлари барча авлодлар учун намуна ва ибрат мактаби вазирасини бажариб келмоқда. Хусусан, Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонликларнинг 2 миллионга яқини сафарбар этилиб, шундан 538 минг нафардан ортиғи жанг майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлган, 158 минг нафардан ортиғи бедарак йўқолган, мустақиллик йилларида 200 нафарга яқин ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари мамлакатимизнинг тинчлиги ва оқибатлиги йўлида ўз жонини фидо қилганлар.

Биз тинчлик ва мустақиллик учун ўз жонини аямаган ота-боболаримиз ва мард ўғлонларимизнинг улкан жасорати, мато-

нати ҳамда фидойиликларини юрагимизда абадий сақлаймиз.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига пухта тайёргарлик кўриш, уни юксак даражада ўтказиш, Ўзбекистон халқининг тарихий қаҳрамонлиги, фидоқорона меҳнатини улуғлаш, ёш авлодди она Ватанга садоқатли, бугунги тинч, оқойишта ҳаётни асраб-авайлашга қодир инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида:

1. Кенг жамоатчилик вакилларининг юртимизда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини (кейинги ўринларда — Хотира ва қадрлаш куни) «Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутмайди» шiori остида ўтказиш тўғрисидаги таклифлар розилик берилсин.

2. Қуйидагилар:
9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ;

9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда).

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

Бир гуруҳ депутатлар ташаббуси асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси ҳамда уни тасдиқлаш ҳақидаги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида атрафлича кўриб чиқилиб, қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Концепциянинг қонун билан тасдиқланиши бежиз эмас. Чунки мамлакатимизда конфессиялараро ва

миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат муҳити қадрият даражасига кўтарилган бўлиб, унинг ҳуқуқий асоси янада мустаҳкамланётгани бугунги таҳликали замонда, айниқса, долзарб аҳамият касб этади. Зеро, Асосий Қонунимизда фуқаролар жинси, irqи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли эканлиги белгиланиб, уларнинг виждон эркинлиги, тили, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши, диний ташкилотлар давлатдан ажратилганлиги ҳамда қонун олдида тенглиги кафолатланган.

Конституциявий мезонлар рўёби

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 1-моддасида Ўзбекистоннинг дунёвий давлат сифатида белгиланган жамиятимизнинг изчил ва барқарор тараққиётини, турли конфессиялар ўртасида бағрикенглик ва тотувлиқни таъминлашга йўл очмоқда. Асосий Қонунимизнинг 35-моддасида мувофиқ эса ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга

эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Шу ўринда, Ўзбекистонда виждон эркинлигини таъминлаш йўналишидаги муносабатларни тартибга солишининг норматив-ҳуқуқий асосларини шакллантириш ўтган асрнинг 90-йилларида бошланганини қайд этиш жоиз.

Хусусан, 1991 йил 14 июнда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун имзоланди. У 1998 ва 2021 йилларда янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур қонун турли

динларга эътиқодда бўлган фуқаролар ва диний ташкилотлар, шунингдек, дин ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб келмоқда.

Аҳамиятлиси, сўнгги саккиз йил давомида давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси билан виждон эркинлигининг конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқариш, зиёратхоҳлар ва муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш, буюк аждодларнинг илмий меросини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш бўйича ба-жарилётган ишлар янгича мазмун ва суръат касб этди.



Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Оташқалб шоир Ҳамид Олимжоннинг шундай дилбар сатрлари жаранглаб турган «Ўзбекистон» деган гўзал шеъри ўқувчилик пайтимиздаёқ юрагимиздан чуқур жой олган. Эҳтимол, юртга, Ватанга меҳр-муҳаббат шундай мисралар сеҳри билан дарё каби оқиб киргандир биз тенги авлодлар қалбига. Байрамларда кўксимизни қабартириб:
Бу ўлкада ҳар нарс бордир,
Кўрмаганлар доим хумордир! — дея қўшиқ қилиб қуйлаганларимиз ҳам ҳеч эсимдан чиқмайди.
Орадан кўп сувлар оқиб — оқ-қорани таний бошлаганимиздан кейин билдикки, чиндан ҳам бу ўлкада йўқ нарсанинг ўзи йўқ экан!
Ҳар қадами пахта, чорва, галла, пилла, бог-роғлар макони; замини ҳазиналар бўстони экан Ўзбекистон. Фақат ўзимиз яши билмас эканмиз жавоҳирот боғида яшаётганимизни. Очилмаган кўриқ экан она юртимиз!
Мана, масалан, Жиззах.

1

Ҳамид Олимжон каби дилбар шоирларнинг бешигини тебратган, Шароф Рашидовдек алломани опичлаб катта қилган бу ажиб диёрнинг тарихи улкан бир достон. Птолемей, Плутарх, Плиний, Юстин, Драйзен, Дионист, Наршахий деган улуғ алломалар унинг ёшини Римга тенгдир деган бўлсалар; бошқа мазмунлилар миллидий 400 йилларда Чоч, Сугдиёна, Фарғона музофоти ораллигидаги заминда Уструшоно номли давлат бўлган, Дизак (Жиззах) мазкур давлатнинг энг йирик шаҳрига айланганини эътибор қолдирган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА МУНОСИБ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Ички гуруҳ (А.Арипов): Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимиз тинчлиги, мамлакатимиз равнақи йўлида жасорат ва фидойилик кўрсатган юртдошларимизни хотирлаш, аниқ вақтда ҳаёт бўлган меҳнат фахрийлари ва кексаларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга қаратилган тадбирлар юқори савида ўтказилишини ташкил этсин;

ушбу тоифадаги шахсларнинг яшаш жойига давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари, ҳарбий қисмлар командирилари, давлат ва жамоат арбоблари, фахрийлар, фан, маданият ва санъат намояндалари, ёшлар, шу жумладан, "Ватан таянчи" болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати аъзоларининг ташрифларини, улар кўрсатган мардлик ва жасоратнинг аҳамиятини тарғиб қилишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилсин;

Ўлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг яшаш жойларини таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчиси ва унинг оқибатида ноғирон бўлган шахслар, фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки ноғирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари

ҳамда уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилишини таъминласин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва унинг оқибатида ноғирон бўлган шахсларга ҳамда 1941 — 1945 йиллардаги уруш давридаги меҳнат fronti қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бир йўла тўланадиган пул муқофоти тантанали равишда топширилишини ташкиллаштирсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва унинг оқибатида ноғирон бўлган шахсларга, фронт орти меҳнат фахрийларига "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги" юбилей медалларини тантанали равишда топширсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва унинг оқибатида ноғирон бўлган шахсларнинг ҳар бирига тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларни парвариш қилиш мақсадида тиббиёт мутахассисларини белгиланган тартибда шартнома асосида бириктирган ҳолда доимий равишда патронаж хизматини йўлга қўйсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийларига уларнинг хоҳишларига қўра республика ҳудудидagi санаторийларга бир нафар кузатувчиси билан бир марталик бепул йўланмалар тақдим этилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Спорт вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туманларда Хотира ва қадрлаш кўнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комплекс тадбирларни амалга оширсин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларидаги "Ватанпарвар" боғлари ва бошқа белгиланган жойларда давлат ва жамоат арбоблари, фахрийлар, фан, маданият ва санъат намояндалари, ёшлар, "Темурбеклар мактаби" ва Жалолиддин Манғуберди номидаги ҳарбий-академик лицейлар ўқувчилари, шу жумладан, "Ватан таянчи" болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати аъзолари иштирокида "уч авлод урғашувлари"ни ташкил этсин;

қўчалар ва майдонлар Хотира ва қадрлаш кўнига бағишланган кўргазмали тарғибот ва ташвиқот воситалари билан безатилишини таъминласин.

5. Белгилансинки, Хотира ва қадрлаш кўни тадбирларини ўтказиш ҳамда турли ҳудудларда истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакилларини ушбу тадбирларга жалб қилиш билан боғлиқ барча харажатлар:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳоимлик хайриялари ва қонунчиликда таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида — Тошкент шаҳри ҳокимлиги захира маблағлари, ҳоимлик хайриялари ҳамда қонунчиликда таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан; миллий ва замонавий спорт турлари бўйича хотира турнирлари ҳамда "Мен ғолиб" югуриш марафонлари — Дастурда белгиланган

масъул ижрочи вазирлик, идоралар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Мудофаа вазирлиги Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда "Янги Ўзбекистон" боғида 2025 йил 9 май кўни соат 21.00 да Хотира ва қадрлаш кўнига бағишланган байрам салоти ва мушакбозлигини ташкил қилсин.

7. Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Фақуллода вазиятлар вазирлиги тантанали тадбирлар ўтказиладиган ҳамда байрам салоти ва мушакбозлиги ташкил этиладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш, фақуллода вазиятларнинг олдини олиш ва ёнгин ҳавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Хотира ва қадрлаш кўнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни кенг ёритиб бориш тасвია этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳавфсизлик кенгаши котиби Б.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2025 йил 19 февраль

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР САРИ

Олий Мажлис Сенати Раиси тадбир доирасида халқаро ташкилотлар ҳамда парламентлар раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Осиё Парламент Ассамблеяси бош котиби Муҳаммад Ризо Мажибиддин мулоқот чоғида ушбу нуфузли сиёсий тузилманинг минтақада тинчлик, барқарорлик ва ривожланиш таъминлашга қаратилган лойиҳаларининг аҳамияти, унда Ўзбекистоннинг фаол иштироки, Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси Тошкентда ўтказиши мўҳим воқелик сифатида эътироф этилди.

Ассамблеяга эътибор билан самарали парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий, инвестициялар, транспорт ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Минтақа мамлакатларида сайёҳлар оқими ортиб бораётгани таъкидлашиб, маданият, санъат ҳамда зиёрат туризми йўналишида ҳамкорлик лойиҳаларини йўлга қўйишга келишиб олинди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нурованинг Озарбайжон Республикаси Миллий Межлиси Раиси Соҳиба Гафарова билан учрашувда икки мамлакат парламенти ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси"нинг 2024-2025 йилларга мўлжалланган режалари ижроси муҳокама қилинди.

Биринчи Ўзбекистон — Озарбайжон Парламентлараро форумини ўтказиш, парламент қўмиталари ва дўстлик гуруҳи аъзоларининг алоқаларини мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Томонлар халқаро тадбирларда парламент вакилларининг фаол иштирокини таъминлашга эътибор қаратиб, Тошкентда бўлиб ўтadиган 150-юбилей ассамблеяда самарали мулоқотни давом эттиришга келишиб олинди.

Покистон Сенати Раиси Юсуф Ризо Гилони билан учрашувда эса икки давлат етакчиларининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги аънаваний дўстлик алоқалари стратегик шериклик руҳида изчил ривожланаётгани таъкидланди.

Икки мамлакат халқларининг муштарак тарихи, ўхшаш қадриятларини инобатга олиб, маданий лойиҳаларни амалга ошириш ва савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш борасида фикр алмашилди. Қўнун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиб, дўстлик гуруҳлари фаолияти, ташриф ва мулоқотларни фаоллаштиришга келишиб олинди.

Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясида Покистон томони ҳам қатнашишга катта қизиқиш билдираётгани қайд этилди.

«Халқ сўзи».

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

Бугун юртимиздаги барча диний конфессиялар вакилларига диний зиёратлари амалга оширишга тенг шароит ва имкониятлар яратилган. Масалан, Ўзбекистон учун ҳақ квотаси қисқа даврда 3 баробар ошириб, умра зиёратига квоталар тўлиқ бекор қилинди. Натижанда Саудия Арабистонига қарийб 800 минг мусулмонлар ҳам ва умра зиёратини амалга ошириш учун борди. Шунингдек, 10 миңдан зиёд христианлар, яҳудийлар, баҳоийлар, кришнавийлар, буддавийлар Россия, Туркия, Италия, Арманистон, Исроил, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Грузия ва Грециядаги диний зиёратгоҳларга ташриф буюришди.

Ҳар бир эътиборли хижати, диний таълим тизимининг ривожланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда 4 та олий ислом таълим муассасаси, 10 та ўрта махсус ислом таълим муассасаси, жумладан, 2 та аёллар мадрасаси, шунингдек, православ ва протестант семинариялари фаолият кўрсатмоқда. Бу борада дунёвий ва диний билмиларни ўйғунлаштириш, диний соҳада кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишининг ягона тизимини шакллантириш мақсадида 2018 йилда Ўзбекистон халқаро ислом академияси очилгани алоҳида эътироф этиш жоиз.

Миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги аҳилликни таъминлаш, тинчликни кўз қорачиқдек асраш, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатда таркиби барча диний конфессиялар раҳбарларидан иборат Конфессиялар ишлари бўйича кенгаш фаолият бошлади. Ислам цивилизацияси ривожига танан хисса қўшган мутафаккирлар меросини илмий-амалий ёндашув асосида ўрганиш, диний таассулар билан боғлиқ хавфларнинг мафкурарий асосларини таъкид этиш мақсадида Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридид, Имом Термизий халқаро илмий-таъдиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Виждон эркинлигига бўлган конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш йўналишида сохта диний эътиқодлар тасдири остида таққиланган ташкилотлар таркибига кириб қолган шахсларнинг ижтимоий мослашувига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таққиланган ташкилотлар фаолиятида иштироки учун жазо ўлатган, ўз қилимига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан тарихда биринчи бор ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан афв этиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниши йўлга қўйилди.

2019 — 2021 йилларда "Меҳр" инсонпарварлик операциялари доирасида маълумоти бўйича 531 нафар фуқароси Яқин Шарқдаги ҳарбий-можароли ҳудудлардан Ўзбекистонга қайтарилди.

Албатта, буларнинг барчаси Президентининг бошчилигида инсон қадри учун амалга оширилётган, турли миллат ва конфессиялар ўзаро тотувликда, ҳамжиҳатликда тараққий этадиган янги Ўзбекистонини барпо қилиш йўлидаги ортага қайтмас ислохотлар натижасидир.

Дунёвий давлат ва виждон эркинлиги

Дунёвий давлат — ҳар қачон виждон эркинлиги, мафкура ва фикрлар хилмахиллиги кафолатланган, давлат ҳокимияти диний-конфессиявий қарашлар ва институтлардан ажратилган ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда, қарорлар қабул қилишда ва уларни ижро этишда Конституцияга ва қонунларга, умумжаҳамият манфаатларига асосланган тарзда бошқариладиган давлат саналади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Ҳўш, эътиқод қилишга доир барча шарт-шароит қандай ҳолатда кафолатланади?

Бу борада жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадигани, дунёвий демократик давлат бошқарувига алоҳида виждон эркинлиги ҳуқуқини, диний эркинликларни, динларга тенг ва бирдек бетараф муносабатда бўлишни сўзсиз кафолатлайди. Турли дин вакилларининг бағрикенг-

лик ва ҳамжиҳатликда, тинчлик ва тотувликда яшашини таъминлайди.

Бундан ташқари, дунёвий давлат фуқароларга таълим олиш, шахсий ривожланиш йўлини мустақил танлаш имкониятини яратиш ҳамда илм-фан ва маданият тараққийотида ижодий эркинликни таъминлашни кўзда тутлади.

Олимларнинг фикрича, дунёвий давлат — бу фақат қонун устуворлиги ва мафкурарий нейтраллик эмас, балки ҳар бир фуқаронинг эркин фикрлаш ва ўз дунёқарашига эга бўлиш ҳуқуқини химоя қилишнинг кафолати ҳамдир. Бинобарин 2023 йил 30 апрелда бўлиб ўтган референдум ақулларига бағишланган учрашувда Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистон — дунёвий давлат ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади", дея таъкидлаб, мамлакатда ҳар қандай радикаллашувга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳеч қачон йўл қўйилмаслигини айтган эди.

Шу нуқтага назардан, кўп миллатли ва кўп конфессияли Ўзбекистонда умумжаҳамият манфаатларини рўёбга чиқариш, эркинлик ҳамда тенглик, ижтимоий адолат ва бирдмаллик асосида ўзаро тотувликда яшаш ҳамда изчил раванк учун барқарор ижтимоий муҳитни таъминлаш ҳар доим устуворлик касб этади.

Концепцияни қабул қилиш зарурати ва аҳамияти

Дунёвий давлат макомини Конституция даражасида мустаҳкамлаш давр қаҳирларининг инъикоси, десак, аниқ ҳақиқатни айтган бўламыз. Аини пайтда ушбу

“Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадигани, дунёвий демократик давлат бошқарувига аҳолининг виждон эркинлиги ҳуқуқини, диний эркинликларини, динларга тенг ва бирдек бетараф муносабатда бўлишни сўзсиз кафолатлайди. Турли дин вакилларининг бағрикенглик ва ҳамжиҳатликда, тинчлик ва тотувликда яшашини таъминлайди.”

конституциявий қонданинг мазмун-моҳиятини қўнғилликда аниқ баён этиш ва ривожлантириш, бу борадаги устувор йўналишлар ва механизмларни мустаҳкамлаш ҳам бугунги давр талабидир.

Ҳозир Ўзбекистонда 16 та конфессияга мансуб 2 300 дан ортиқ диний ташкилотлар эмин-эркин фаолият юритмоқда. Шунингдек, мамлакатда 130 дан зиёд миллатлар ва элатлар вакиллари истиқомат қилади. Давлат томонидан 7 та тилда таълим олиш имконияти яратилгани, 12 та тилда теле-радио кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилаётгани, 14 та тилда газета ва журналлар чоп этилаётгани, 155 та миллий маданий марказ фаолият кўрсатаётгани миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитининг амалдаги намунаси саналади.

Дунёда ишонч ва ўзаро бир-бирини тушуниш таққиллиги сезилаётган, қарама-қаршиликлар ҳамда можаролар кузатилаётган даврда Ўзбекистонда фуқароларнинг тинч-тову, эмин-эркин умргузаронлик қилишида жамиятимиздаги тинчлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик муҳитини сақлаш жуда муҳимдир. Қўнғилликнинг дунёвийлик тамойили асосида ривожланаётгани ижтимоий муносабатларни тартибга солишда аҳолининг миллий-маданий, тарихий-диний хусусиятларини тўлақонли хисобга олиш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, виждон эркинлиги, турли эътиқод ва қарашлар тарафдорларининг ўйғун ҳамда тотув яшаш, жамиятнинг барқарор тараққийоти учун шароит яратадиган, замонавий таққилларга самарали қарши курашиш бўйича ишларни комплекс белгилаш долзарб аҳамият касб этамоқда.

Кейинги йилларда замонавий ахборот технологиялари имконияти инсоннинг оғирини енгил қилиши баробарида ундан турли бузғунчи мақсадларда фойдаланиш кенг тарқалаётгани ҳам бор гап. Хусусан, ахборот маконида жамиятда қарор топган миллий-маънавий қадриятларни, диний бағрикенглик

муҳитини емиришга қаратилган материаллар ҳам кўпаймоқда. Тараққийлаётган материалларда ҳар доим ҳам дунёвийлик тамойилларига мос келмайдиган, қўнғилликни, хусусан, давлат бошқаруви, банк-молия тизими, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги амалиётни инкор этувчи фикр-мулоҳазалар ҳам ўрин эгалламоқда.

Аини чоғда ижтимоий ҳаётимизда қўнғил билан тартибга солинган ижтимоий муносабатларга муайян бир динга хос қондаларни жорий этишга уринишлар, аёллар ва эркеклар ҳуқуқлари тенглигини шўбха остига қўйиш, фуқаролар мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш, ижтимоий ахлоқ нормалари, миллий ва умуминсоний қадриятларни инкор қилиш ҳолатлари учрамоқда. Тиббий хизматдан, маданият ютуқларидан, товар ва хизматлардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларни чеклаш, айрим мансубдорларнинг дунёвий давлатчилик моҳиятини теран англамаслиги ҳамда жамият тараққийоти, бирдмаллиги ва барқарорлигига путур етказувчи қўнғил хилоф гоё ва қарашлар тарқалиши ҳам кузатилмақда.

Бундай ҳолатлар Ўзбекистон халқи, жамияти ва давлат ҳамжиҳатлигига хатар бўлиб, қўнғил ҳужжатларига риоя этилмаслигига, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишига, фуқароларнинг ҳуқуқий тартибга муносабати салбий томонга ўзгаришига, ватанпарварлик туйғулари емирилишига, оилаларнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

"Дунёвий давлат" тушунчасининг аниқ белгиланмаганининг аҳоли ўртасида турлича қабул қилинишига, радикал қарашларнинг тарқалишига, дунёвий давлат



Раҳимжон ҲАКИМОВ, Олий Мажлис Қўнғиллик палатаси Спикерининг ўринбосари.

фуқароларимиз мазкур концепция ўз вақтида ишлаб чиқилгани ҳамда уни қабул қилиш юртимиз тарққийоти, мамлакатимизда барқарорлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш учун камарбаста бўлишини алоҳида эътироф этганлар.

Аҳамияти томони, ушбу жараёнда журналистлар ҳамда юртимиздаги конфессиялар вакиллари ҳам фаол қатнашганидир. Хусусан, 3 февраль кўни Қўнғиллик палатасида ОАВ вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилиб, ташаббускор депутатлар томонидан журналистларнинг концепция лойиҳасига оид саволларига батафсил жавоб берилди. 6 февраль кўни эса юртимиздаги 16 та конфессия вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Конфессиялар вакиллари билан ташкил этилган мулоқотда ушбу концепция давлатчиликнинг ривожининг бой миллий тарихий тажрибасига ва умуминсоний қадриятларга таъанган ҳолда ишлаб чиқилгани, кўп миллатли ва кўп конфессияли Ўзбекистонда умумжаҳамият манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилгани таъкидланди.

Конфессия вакиллари, шунингдек, мазкур ҳужжатда диний соҳадаги ҳуқуқларни чекловчи бирор-бир янги қондалар кириштирмаётгани, ақсинча, ҳуқуқлар аниқ ва равшан баён этилиб, давлатнинг бу борадаги масъулияти ва мажбурияти белгиланаётганини алоҳида ургулашди.

Жамоатчилик муҳокамалари натижасида концепциянинг 10 дан ортиқ бандлари янада таққиллаштирилди.

Умуман олганда, кенг жамоатчилик, фуқаролар жамияти институтлари, конфессиялар вакиллари ҳамда парламент ўртасида конструктив мулоқот асосида концепцияни муҳокама этиш ва уни маромига етказиш ўз ўрнида ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлаш, қабул қилинадиган қўнғил ҳужжати ҳаётини ва самарали бўлишига замин яратди.

Нафақат ҳуқуқий-сиёсий, балки гоёвий ҳужжат

Янги таҳрирдаги Конституциямиз асосида Ўзбекистоннинг дунёвий давлат макомини тўб фалсафаси ҳуқуқий ва сиёсий тизимнинг дунёвийлигини таъминлаш орқали ҳар бир фуқаронинг эътиқод эркинлигини кафолатлаш ва миллатлараро, динлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган.

Шу боис мазкур концепцияни мазмунан бошқа қўнғиллардан ҳам юқори аҳамиятга эга, десак, янгилишмаймиз. Чўнки истиқболда қабул қилинадиган қўнғил ва қарорлар, ёндашувлар концепциядаги белгиланган қондаларга мос бўлади. Зотан, у дин соҳасидаги давлат сиёсатининг мазмуни, мақсади, устувор йўналишлари ва механизмларини белгилай беради.

Концепциянинг яна бир мўҳим жиҳати, диний муносабатлардаги барчаннинг ўз ҳуқуқлари, бошқарилган муносабатлар ва албатта, чегараларини аниқ белгилайди. Хусусан, ушбу ҳужжат дунёвий давлатни тушунишга оид турли янгилик қарашлар ва нотўғри талқинларга чек қўяди. Натижанда жамиятда барқарорлик ҳўкм суради, тинчлик-тотувлик ва ҳамжиҳатлик кўнади. Шу маънода, унга нафақат ҳуқуқий-сиёсий, балки гоёвий ҳужжат, деб ҳам сифат бериш мумкин.

Концепция 7 боё ва 41 та банддан иборат бўлиб, диний соҳадаги давлат

сиёсатининг мақсади ва унга хизмат қилувчи 10 та вазифа белгиланган. Бунда асосий мақсад фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, турли динларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурооса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашиш, конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятда диний бағрикенглик ва дунёвийликни таъминлаб боришдан иборат.

Концепция билан дунёвий давлатни ривожлантиришнинг давлат бошқаруви, иқтисодиёт, таълим, тиббиёт, маданият, никоҳ институтини тартибга солиш, ижтимоий ахлоқ ва хулқ-атвор нормаларини шакллантириш каби 7 та устувор йўналишда дунёвийликни таъминлашнинг аниқ механизмлари белгилаб берилмоқда.

Халқил ва содда айтганда, дунёвий давлатда дин давлатдан ва сиёсатдан ажратилса-да, жамиятдан ажратилмайди, балки инсонларнинг маънавий ва руҳий камолотга эришишининг омилли бўлиб ҳисобланади. Шу маънода, концепцияда дунёвий давлатда диний қадриятлар ҳам мўҳим ўрин тутиши, диний қадриятлар Ўзбекистон халқининг маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари, одоб-ахлоқининг шаклланишига ҳамда уларнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтишига хизмат қилиб келиши эътироф этилмоқда. Диний қадриятларнинг, эътиқодларнинг ҳурмат ва химоя қилиниши, изчил ривожланиши учун зарур ижтимоий муҳит яратиш бўйича давлат мажбуриятини ўз зиммасига олмақда.

Бундан келиб чиқиб шуни ишонч билан қайд этиш лозимки, концепция ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини кафолатли таъминлаш, бу борада фуқароларга тенг шарт-шароитлар яратиш, турли динларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятда диний бағрикенглик ва барқарорликни таъминлашга асос яратди.

Мазкур ҳужжат ижросида парламент роли

Концепцияда белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш, бу борада парламент, жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш, таълим ва маърифат орқали ёшлар камолоти, илм-фан ва технологияларнинг ривожига кенг йўл очиш, миллий ва

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Сара мақолаларни жамлаган китоб

Кеча "Жаҳид" газетаси кутубхонаси туркуми остида "Тилда, фикрда, ишда бирлик!" номли китоб нашр этилгани ҳақида хабар берган эдик. 19 февраль куни пойтахтимизда мазкур китобнинг тақдими бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, журналистлар, ёш ижодкорлар қатнашди. Тақдирда Президентимиз ташаббуси билан дунё юзину кўрган "Жаҳид" газетаси маърифатпарвар боболаримизнинг аъёнларини давом эттириб, эзу гоёлари, яратувчанлик, бунёдкорлик, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари тарғиб қилиб келётгани таъкидланди. Тақдирда газета фаолиятини янада ривожлантириш, унда эълон қилинган мақолаларни тўплам ҳолида нашр этишда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида мулоҳазалар, тақдир ва ташаббуслар билдирилди. Тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайридин Султонов сўзга чиқди.

Туркий дунё шаҳарсозлари анжумани

Самарқандда Туркий дунё муҳандислари ва меъморлари иттифоқининг туркий дунё шаҳарсозлигига бағишланган курултойи бўлиб ўтди.



Анжуман доирасидаги "Самарқанд — турк дунёси цивилизация маркази", "Туркий дунёда туризм ва маданий мерос", "Махмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигига бағишланган "Тилда, фикрда ва ишда бирлик", "Глобал иқлим ўзгаришлари: Орол денгизи истиқболи" каби сессияларда Туркий дунё муҳандислари ва меъморлари иттифоқига аъзо давлатлар вакиллари, юртимиз олим ҳамда мутахассислари ўз маъруза ва тақдиротлари билан иштирок этди.

«Миллий қадриятлар ойлиги»

Шу йил март ойида юртимизнинг бarchа хуудидида "Миллий қадриятлар ойлиги" тадбирлари ва халқ сайилларини юқори савияда ташкил этиш кўзда тутилмоқда.



Маданият вазирлигидан маълум қилишларича, бунда миллий либослар тарғиботи, халқ ўйинлари, бадий жамоаларнинг чиқишлари, кўшиқчилик санъати, улан, лапар, халқ ўйинлари, терма, маросим кўшиқлари, халфачилик, бахшичилик ва рақс санъати намуналари, миллий чолғучилик санъати, аркон тортиш, дор ўйинлари, тош кўтариш каби қадимий ўйинларимиз, миллий кураш мусобақаларига кенг ўрин берилди.

Ўзбек ёзувчиларининг асарлари хориж нашрида

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ахборот хизмати маълумотиға кўра Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида чиқадиган босма "Польня" альманнах-журналининг 4 ва 5-сонларида ўзбек ёзувчиларининг асарлари чоп этилди.

"Польня"нинг 4-сониди ёзувчи Муҳаббат Йўлдошевнинг "Соқин тонлар" ва Кўчор Норқобилнинг "Нина" номли ҳикоялари эълон қилинди. "Польня"нинг китоб шаклида махсус тайёрланган 5-сониди "Қанчалар олис эди бизлардан..." деб номланган ва Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган. Унда муаллиф Кўчор Норқобилнинг "Уруш", "Этиқчалар", "Бир бурда нон" номли ҳикоялари ва адиба Гулноз Тожибоевнинг "Урушнинг сўнгги кунин" номли ҳикояси ўрин олган.

«Халқ сўзи».

ЁШЛАР — ВАТАН ТАЯНЧИ

Уларга таълим-тарбия беришга бор куч-ғайратимизни сафарбар этамиз

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўтган ҳафта ёшлар билан мулоқотида билдирган фикрлари, илгари сурган ташаббус ва лойиҳалари, берилаётган имтиёзлар ёшларни янада фаол бўлишга, мамлакат ривожини ва эртанги тараққиётини дахлдорлигини бир неча қарра кучайтиришга, умуммиллий ҳаракатга ундаши муқаррар. Очиги, яқин тарихимиз давомида ёшлар учун бундай имкониятлар яратилгани кузатилмаган, десак, муболага бўлмайди. Зеро, Президент билан суҳбатлашган ҳар бир йигит-қиз келажакда ўз ортидан миллионлаб тенгдошларини эргаштира олади.

Муносабат



Маълумки, ўтган асрда маърифат майдонида ёрқин юлдуз бўлган жадидлар "Миллатни уйғотиш — уйғонганларнинг иши" дея баралла гапириб, ёшларга илму зийё улашиб, уларнинг маърифатли бўлиши мамлакат тараққиёти учун нечоғли фойдали эканини сўз ва амалларида исбот этганлар. Бугун ёшларимиз уйғоқ. Улар давлат тараққиёти, янги Ўзбекистон фаровонлигига ҳисса қўшишга шай, келажакка мустақкам пойдевор бўлиш учун олдинги сафарларда туришибди. Қайси соҳа бўлмасин, унда ёшларнинг фаоллиги, замонавий ташаббус ва лойиҳалари кўзга ташланмоқда. Бугунги ёшлар ўзгача ёндашув, ўзгача фикр, ўзгача ечимларни тақдир қилмоқда. Бу эса, аввало, тизимли ислохотлар, шарт-шароит, имконият ва имтиёзлар ҳосиласидир. Айниқса, учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш гоёси сўнгги йилларда онгу шууримизга чуқур

сингиб, бунда ҳар биримиздан шижоат ва ғайрат талаб этилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг бугунги ва эртанги бунёдкорлари эса айнан ёшлар тимсолида намоён бўлмоқда. Шу боис ҳам деярли ҳар кун ёшларга оид бирор ижобий янгилик, меъёрий ҳужжат ёки лойиҳага дуч келамиз. Бу марра банд олингани, пировард мақсадимиз йўлида бутун куч-ғайратимизни тўлақонли сафарбар этишга тайёрлигимиз нишонасидир. Ренессансга фақатгина таълим ва илм орқали эришиш зарурлиги ҳеч қандай исбот талаб қилмайди диган табиий ҳодисадир. Биргина ёшларни олий таълим билан қамров даражаси 42 фоизга етгани, магистратурада тахсил олаётган хонин-қизларга шартнома тўловлари давлат томонидан қоплаб берилаётгани ҳисобига талаба қизлар сони 11 қарра кўпайгани амалий ҳаракатларнинг юксак натижаси сифатида эътирофга сазовор. Шунингдек, ёшлар орасида хорижий тилларни ўрганишга қизиқиш бир неча баробар ортиб, бу барча меҳнат ва хизмат соҳасида, айниқса, тижоратда беқиёс аҳамият касб этаётгани қувонарлидир. Зеро, ўтган асрда маърифатпарвар Махмудхўжа Бехбудий "Бу замон тижорат иши, санаат ва мамлакат ишлари, ҳатто дини ислом ва миллатга хизмат илмисиз бўлмайду. Замондан, қонундан

хабардор бўлмоқ учун бизга икки эмас, тўрт тил керак", дея жар солганида қанчалик ҳақ бўлган. Энг муҳими, бу борадаги ишларни келгусида янада ривожлантиришга қаратилган савб-ҳаракатлар, имтиёз ва рағбатлар бугунги куннинг муҳим масаласига айланган.

Ёшлар билан мулоқот вақтида Президентимизнинг "Энди барча тизим-даги раҳбарлар ёшларнинг баралла овозини эшитишга мажбур. Ёшлар бўш келажакимизнинг асосий бўғини эканлигини тушунамаган раҳбар бизнинг сафимизда бўлишга ҳаққи йўқ", деган сўзлари ҳар биримиз, айниқса, раҳбарлар учун оғоҳлик қўнғирго бўлмоғи лозим.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, бугунги тезкор ахборот алмашинуви даврида ёш авлод, жумладан, болалар учун миллий контентни яратиш долзарб вазифа бўлиб, бундай медиамасхулотларни боғча ва мактаблардаги таълим жараёналарида намоёйиш этиш орқали янада оммалаштирсак фарзандларимизда болалик давридан бошлаб миллий ўзлиқ, Ватанга садоқат ва ундан фахрланиш ҳиссини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшган бўламиз. Боиси ҳозирги таҳликали ва янгидан-янги таҳдидлар кучайиб бораётган бир шароитда фарзандларимизнинг маънавий тарбияси ва мафкуравий иммунитетини кучайти-

риш, уларни ёт гоёлардан асраш ҳар биримиздан улкан масъулият талаб этади.

Ёшларимизда ватанпарварлик руҳини кучайтириш бўйича 10, 11-синф ўқувчилари ўртасида бошланган "Ватан таянчи" ҳаракати янада оммалаштирилиб, касб-хунар мактаблари, техникум ва хусусий таълим ташкилотларида ҳам йўлга қўйилса, мард ва жасур, Ватанга садоқатли ўғлонларни тарбиялаш янада самаралроқ бўлади. Айниқса, "Ватан таянчи" отрядлари ўртасида "мактаб — туман — вилоят — республика" даражасида спорт мусобақалари ва ижодий танловлар ташкил этилиши, шу билан бирга, ҳар бир маҳаллада ёшлар ўртасида "маҳалла — сектор — туман — вилоят — республика" даражасида "Шижоат ва ғайрат" спорт ўйинлари ўтказилиши, голиб маҳаллаларга спорт иншооти қуриб берилиши ва зарур анжомлар билан таъминлиниши ҳам муҳим натижаларни кўлга киритишда айнаи муқаддас бўлади. Аҳамиятлиси, "Ватан таянчи" ҳамда "Шижоат ва ғайрат" мусобақалари голибларига ҳарбий олийгоҳларга кириши учун тавсиянома берилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш муқаддас бурч ҳисобланиб, бу борада Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар тизимидagi олий ҳарбий таълим

муассасаларида профессионал кадрларни тайёрлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Курсантлар, тингловчи ва талабаларни сифатли ҳарбий таълим ҳамда илмфан билан фаол банд қилиш мақсадида барча шарт-шароит яратилиб, моддий-техник база тубдан янгиланди ҳамда замон талабларига мослаштирилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари қарори асосида мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигига бўлган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда йўналишлиликка қарши курашиш йўналишида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шунингдек, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кадрлари салоҳиятини ошириш мақсадида Жамоат хавфсизлиги университети ташкил этилди. Университетда таълим олувчиларга замонавий билим, кўникма ва тажрибаларни эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратилди.

Бу каби имкониятлар Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Факулдада вазирлар вазирилиги, Ички ишлар вазирлиги тизимидagi академия ва институтларда ҳам яратилди. Эндликда эса Президентимиз томонидан ҳарбий олийгоҳларнинг намунали тингловчилари учун "Олий бош кўмондон" давлат стипендияси жорий этилаётгани ҳарбий олийгоҳлар тингловчилари учун навбатдаги рағбат бўлмоқда. Бу эса курсант ва тингловчиларни янада билимли, ўз маҳоратларини оширишда фаол, ташаббускор бўлишга ундайди.

Мирзасуф РУСТАМБОВ, Жамоат хавфсизлиги университети бошлиги, юридик фанлар доктори, профессор.

РЕКЛАМА

ЖАМОАМИЗ ЧОРАК ФИНАЛ БОСҚИЧИДА

Шу кунларда Хитойнинг Шэньчжен шаҳрида футбол бўйича "U20" Осиё кубоғи бўлиб ўтмоқда. Қитъамизнинг 16 та кучли терма жамоаси турнир голиблиги ҳамда ўйгирма ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Чилида ўтказиладиган жаҳон чемпионати йўлланмаси учун ҳам кураш олиб боради. ФИФА тасдиқлаган тақвимга кўра кичик мундиаль жорий йилнинг 27 сентябрь — 19 октябрь кунлари уюштирилиши режалаштирилган.



Осиё кубогининг амалдаги голиби Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Фарҳод Нишонов мураббийлигида ўз унвонини ҳимоя қилиш учун баҳсларни Эрон, Индонезия ва Яман ёшларига қарши "С" гуруҳидан бошлади. Дастлабки тур доирасида терма жамоамиз яманлик тенгдошларини кичик ҳисобда мағлуб этди — 1:0. М. Ўринбоев 1-бўлимнинг 26-дақиқасида рақиб дарвозасини ишғол қилди. Шу тариқа улар мусобақадagi илк 3 очкога эга бўлди. Иккинчи турда футболчиларимиз Индонезия ёшлар терма жамоасига қарши баҳс олиб борди. Ушбу беллашувда вакилларимиз 3:1 ҳисобида зафар қучиб, 6 очко билан мундидан аввал чорак финал йўллан-

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи»).

Advertisement for Tibbiyot muassasalari uchun AKT uskunalarini ta'minot-montaj, sinovdan o'tkazish va ekspluatatsiyaga topshirish loyihasi bo'yicha tender xabarnomasi. Includes details about Hamkor davlat, Loyihani amalga oshiruvchi tashkilot (LAOT) nomi va manzili, Ariza / taklif topshirish tafsilotlari, and contact information for tender submission.

Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон бўлими Кўргазмалар саройида Орол муаммосига бағишланган «Биз денгиз ўтлари эдик» номли бадий кўргазма ташкил этилди.

Advertisement for 'Xalq s'uzi' newspaper. Includes contact information for the editorial office, subscription rates, and details about the newspaper's content and distribution.